

ХАЛҚЛИК СЎЗВИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

21 ЯНВАРЬ, ЖУМА. № 15 (763).

Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

АССАЛОМ, ТУРОНЗАМИН!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИШКЕККА САФАРИ ХУСУСИДА

Водий деҳқонларининг машварати

Дилбар водийнинг шаҳар ва қишлоқлари, маҳалла ва овулларда яшовчи заҳматқаш деҳқонлар, фидойи меҳнатқиллар азал-азалдан бир-бирига елкадош, маслаҳаттўй, қўмақдош бўлиб, бир дарадан сув ичиб, бир замида томир отиб, тўю маросимларда, байрам тантаналарда доимо ҳамфирқ, ҳамсоа бўлиб келишган. Уларнинг қиройли удувлари, меҳр-оқибатлари ҳамisha халқимизнинг эъзозли аъённале-ри сифатида қадр топган.

Деҳқонлар электрод, бувай-далликлар эса қислородни бутун вилоятга етказиб беришяпти. Минтақавий кўргазмалари семинар-кенгаш қатнашчилари, шунингдек, Бувайда туманидаги «Янгиқўрғон», «Шарқ юлдузи», «Дўстлик» жамоа хўжалиқларининг боғлари, даладари ва трактор паркида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган танн-диллар. Айниқса, улар «Янгиқўрғон» жамоа хўжали-қининг 11-бригадаси дала-сида Фарғона политехника олийгоҳи олимлари томонидан тайёрланган газодинамика ёрдамида қатна-лоқни юмшатадиган, арзик ерларни кўчирадиган мосла-мани қўриқиб томоша қилдилар. Уни пахтага йи-ғиштириб олишга ҳам мосла-штириш мумкин экан.

Айниқса, водийда энг покка, ҳалол касб соҳиб-лари ҳисобланган деҳқон-ларнинг дўстлиги, борди-келдиси тилларда дoston бўлган. Ўтган йили ҳар учала вилоят деҳқонлари давлатга 1 миллион 86 минг тонна пахта, соҳиб-корлари эса 314 минг тонна гаёла, режадагидан анча кўп полив, сабабот, чорвачилик маҳсулотлари етказиб берди. Андижонликлар зафар қўчанда ламанганликлару фарғоналиклар бирдй қувонди. Фарғоналиклар гоит қийин об-ҳаво шароитига қарамай, йил адоғида пахта тайёрлаш режасини уддала-валарда Андижону Наманган халқи уларни биринчи бўлиб муваққабод этди.

Уч оғайин, уч қадрдон-ни бир-бирдан асло айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун водий деҳқонлари йил бошида айв-анавий маслаҳат машварати-га ақдй бўлиб тўлана-нишди. Бундан қўзланган мақсад водийда пахта хо-сидорлигини ошириш, ир-ригация тармоқлари ариқ-зовурларин равои ишла-тиш, чигитнинг серҳосил, эртанишар, энг мақбула на-вларини таллаб олиб, техника-дан воситаларидан, илм-фан янгиликларидан самар-дали фойдаланиш ҳақида ўзаро фикр алмашишдан иборат эди.

Фарғона вилоятининг Бу-вайда тумани машваратга

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Халқ дунутатлари Са-марқанд вилоят кенгаши-нинг сессияси бўлди. Унда ўтган йил якунлари ҳам-да Президент Ислои Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ва Олий Кенгаш ўн тўртин-чи сессиясида сўзлаган нутқларида ўртага қўйил-ган вазифалар асосида халқ хўжалигида ислохот-ни янада кенроқ амалга ошириш масалалари муҳо-кама этилди. Вилоят хо-кимси П. Абдурахмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар вилоят-ни иқтисодий-иқтисодий ри-вожлантиришни, жумладан, маданий хизмат ва маҳал-лий саноат корхоналарини хусусийлаштиришни, жа-даллаштириш зарурилгига эътиборни қаратдилар.

Сессияда муҳокама этил-ган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Нав-бахор туман кенгашининг сессияси бўлди. Унда та-шқилий масала кўрилди. А. Алиқуллов Навоий вилоят ҳокимининг биринчи ўрин-босари этиб тайинлангани муносабати билан туман ҳокими вазирадидан сўзд қилди. Вилоят ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаб келган О. Нурназаров Нав-бахор тумани ҳокими этиб тайинланди.

Сессияда Навоий вило-яти ҳокими А. Айдарқулов сўзга чиқди. (ҒаА).

Набижон СОБИР. «Халқ сўзининг ўз муҳ-бири».

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ҚУРИЛИШДА ЯНА ИШ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон бош ҳисоблаш маркази учун мўлжалланган бетон ва мрамардан тиклана-ётган бинода қурилиш тўхта-б қолганига ўн йилдан ошиб кетди. Мана энди бу ерга қурувчилар яна келиш-ди.

Қурилиш тўхтаб қолиши-нинг сабаби қўй: олдин бу бинони нима қилишни бил-май ҳайрон бўлишди, кейин маблаг етишмай қолди... Навоий кўчаси билан Шароф Рашидов номидаги кўча ту-ташиб яқинда қўлга келган бундан узоқ эди. Бинони қуриб битказишнинг вақти-соати энди етганга ўхшайди. Тез орада бу ерда Марказий Осиё минтақасидаги энг

катта бизнес маркази joyла-шади. «Тошкентқурилиш» кор-порацияси бу иморатни қу-риб битказишнинг ташаббус-корларидан бири бўлди. — Ун олти қаватли бино-нинг баландлиги 72 метрга етади. — дейди «Тошкент-қурилиш» концернининг бў-лимчиси ҳисобланган «Си-фат» тажриба-қурилиш бир-лашмасининг бош муҳандиси К. Миралиев. — Иморат-нинг асоси сақлаб қолинади, лекин унинг ичи бутунлай ўзгартирилди. Масалан, ло-йиқачилар хоржийки ишти-рармонлар ишлаши ва яша-лиш учун кулай шароит яра-тин мақсадда 16 қаватли бино томида қўмиллиш мум-

И. САФАРГАЛИЕВА, ЎзА мухбири.

Table with 2 columns: Category and Content. Categories include: ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ ХУДУД ТУГРИСИДАГИ ШАРТНОМА... БИР ДАРАДАН СУВ ИЧГАН ҚАРДОШЛАРИНИНГ МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАКЛИГИНИ, БИР-БИРИМИЗСИЗ ЯШАЙ ОЛМАСЛИГИМИЗНИ ЯНА БИР БОР ИСОБТЛАЙДИ.



Диплом топшириш пайти.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДУСТЛИГИМИЗГА ҲЕЧ КИМ РАХНА СОЛ-МАЙДИ. БУ БИРЛИК БИЗНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР СИФА-ТИДАГИ ҚУДРАТИМИЗ-НИ ҲАМ БИР УЗАНГА СОЛАДИ, КУЧАЙТИ-РАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХУКУМАТИ, ХУРМАТ-ЛИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ БИЗГА ҲАР ЖИХАТДАН ХАЙРИ-ХОҲЛИК ҚИЛИБ, ДУНЕ МИҶЕСИДАГИ ИШЛА-РИМИЗНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ КЕЛАЯП-ТИ.

Асқар АКАЕВ.



El aralik asociaciassi. Международная ассоциация International association



Кыргыз Республикасы

ДИПЛОМ

Руҳия дунитиу жанитиурия келметте эл аралык РУХАНИЯТ ассоциацияси Борбордук Азиядаги мамлекеттер ортосидагы иттипакташтык мамилелерин ийдигоо кошкон Зор салымы үчүн көбүчүктүү салык жана мамлекеттик ишмер, Ўзбекстан Республикасынын Президентин КАРИМОВ ИСЛАМ АБДУГАНИЕВИЧКЕ Шыныктык жана эдефдин ортосундагы иттипак үчүн эл аралык сыйлымын ыитарат.

«РУХАНИЯТ» ассоциациясынын Президенти Т. ТОКТОСАРТОВ



«Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофотининг дипломи ва ишон тасвири. ЎзА суратлари.

«БОЗОРМИЗ — БИР. МОЗОРИМИЗ — БИР...». «МАНАС» АЭРОПОРТИДА ҲАМ, УСТИДАН ГҒЕ БИР ХОВУЗ ҚОЛДУЗ СОЧИБ ЮБОРИЛГАН ТУНГИ ШИМИЗНИНГ БИШКЕКДА АЙТГАН АНА ШУ СЎЗЛАРИ ҚҒЛОҒИМИЗ ОҒИДА АКС-САДО БЕРИБ ТУРДИ.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

«ХОТИРАСИЗЛИК» КАСАЛИ

ДАРОМАДНИ ЯШИРИВ, СОЛИҚ ТУЛАШДАН ВОШ ТОРТГАН БАЪЗИ КОРХОНАЛАР ҲАҚИДА

Бугунги кунда тад-биркор ва ишбилар-монлар ҳайри-ман-сатй ҳаракатл а р и учун шарт-шароит яратиб берилади. Улар ҳалол ишлаб, меҳна-тига яраша даромад олишлари мумкин. Хукуматимиз эса та-шаббускорларни ра-ғбатлантириб, ҳар то-монлама қўллаб-қув-ватлаётир.

ромаддан солиқ ту-лашнинг тез-тез «осдан қийиқоңда-лар». Яхшимки, со-лиқ инспекциялари ташкил этилган. Улар-нинг ҳаракати туйфай-ли «хотирасизлик» касалига чалинган корхона раҳбарлари-нинг ҳаёллари жойи-га келтирилмоқда. Бу борада Бухоро вилоят солиқ ин-спекцияси ходимлари фаол иш олиб бора-ётганининг таъкид-лаш жоиз.

вақтида бюджет да-роматини тушиши билан масалалари бўл-дики, уларнинг 984 тасида бу борадаги қонунчиликка риоя қилинмаётир. Нати-жада тегишли жа-моалардан 800,6 мил-лион сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилди. Мазкур ишга мута-сади бўлган 928 мансабдор шахсга эса 14 миллион сўм жарима солиғиди. «Олим» кичик кор-хонаси маълумияти хонаси яқин иш, ай-важам эътиш иш, ай-важам, кишини лол қолдиради. Улар со-

лиқ инспекциясига корхонанинг ҳеч қан-дай даромадга эга эмаслиги ҳақида рас-ман маълумот бе-ришган. Аммо у ер-да ўтказилган тек-шириш эса бунинг аксини кўрсатди. «АСУ газ-автомати-ка» кичик корхона-сида эса даромадни камайтириб кўрсатиш ҳоқллари маъжудлиги қайд этилди. Бундай камчилик-лар Ўзғудовида ҳам учраб турибди. Туман солиқ инспекцияси ходимлари пахта то-залаш заводи (соиб директори Б. Шар-иповни тафтиш қи-лишган. 2 миллион 337 минг сўмлик да-ромад ҳисоботдан йилинчи қоллинган-лиги аниқланди. Шу-каби ҳоқлларга аввал-лари ҳам йил қў-йилганлиги боис жа-моа ҳисобидан яами 115 миллион 462

минг сўмлик қўшим-ча солиқ давлат ха-зинасига ўтказилди. Шунингдек, Бухоро пиллакашли ва зар-дўзлик фабрикалари, «Ситора-Лада» ҳис-садорлик жамияти, «Бухоро-Омега» қўш-ма корхонаси, Қогон ёғ-экстракция заводи ҳам даромадни яшир-ганликлари учун қо-нунчилик асосида жа-рималар тулашга маж-бур бўлдилар. Ол-моқнинг бермоғи бор, деб шунга айтиди-лар-да. Наҳотки, улар бу билан давлатни оғини эмас, ўз-ўзини алда-ётганини тушунибаса-лар? Солиқ сисмати-даги бундай қўбу-ямчилик еш муста-қил давлатимизни оёққа турганини шунга қарши ҳатти-ҳарат эканлигини ҳеч қим-ёдан чиқармаслиги лозим.

сўнг мажлис аҳли оёққа қал-қиб, уни олқишлади. Ҳа, илгари мазоримиз ҳам бит-та эди. Аммо... Олдин бо-зоримиз, сўнг мазоримиз-дан ҳам жудо қилинган ури-нишди. Айтмавонинг «Ас-рга татигулик кул» романи-ни эсланг. Туйғусдан оламдан ўтган Қазанга-ли «Рухоният» халқ-аро уюшмасининг «Халқлар ўртасида тинчлик ва то-тувлик учун» мукофотини топширишга бағишланди. Унда Президент тарихи-ямиз, бугунги кунимиз, эр-тамиз ҳақида тўлқинланиб-тўлқинланиб гапирди. Ва деярли ҳар зикки сўзидан

«ёпиқ зона» ҳудудидаги мазоротга яқин ҳам йў-латишмайди... Сўнг, ўзалигимизни ан-ғлаш йўлида тетапоқ қа-дамлар ташлаётганимизда, улар бир-биримизни душ-манга айлантиришга Ҳара-кат қилишди. Фарғона, Ўш фожалари буни яққол исботлайди. «Бир қатор хоржийки журналистлар, — деди ўша йилида Қирғизистон Пре-зиденти Асқар Акаев, — Токкистон воқеалари Ўз-бекистонда ҳам, албатта, такрорланади деб башорат қилишганди. Агар бу юр-тида Ислои Каримовдек Пре-зидент бўлмаганида улар-

нинг нароматлари амалга ошириш турган гап эди». «Рухоният» уюшмасининг Президентини Охун Тўхтасар-тов, файласуф-олима Роҳат Очилова, машҳур кардиолог, академик Мирсаид Мирра-ҳимов ва йингида сўз-лагаан бошқалар эса юртбошимизнинг Фарғона, Ўш қонли воқеаларини, Токкистондаги фуқаро-лар урушининг бартараф этишдаги беқийе хизмат-ларини, Марказий Осиё халқларининг янада яқин-роқ жипслашувига қўшган улкан ҳиссасини қайта-қайта таъкидлашди. (Давоми 2-бетда).

Манион ОТАБОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 24. I

УзТВ I
Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ислоҳот ва масъулият».
21.05 «Хотира». Ўзбекистон халқ шоири Миртемир.

лицитик кўрсатуви.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгилıklar.
9.20 Мультфильм.

уюшмаси.
17.10 «Иқболи кулганда».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгилıklar [сурдо таржимаси билан].

21.45 «Қизлар ҳақида роман».
М. Розовский раҳбарлигидаги «У Никитских ворот» театр-студияси фильм-спектаклининг премьераси.

Толстой ҳақида сўз. 2-фильм.
10.30 Қамал китоби саҳифалари. «Мардик кўрсатиш пайти». Ҳужжатли фильм.

16.40 Болалар учун янгилıklar.
16.55 «Бола тилидан».
17.25 Эй-Би-Синнинг дунё янгилıkları.

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Олдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.

Сешанба, 25. I

УзТВ I
7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Эълонлар.

[рус тилида].
19.15 «Алоқалар ва шартномалар».
19.55 Композитор Э. Қаландаров билан учрашу.

Ўти... И. Анисимова-Вулф.
11.10 «Рок-сабоқ».
11.50 «Матбуот-экспресс».

17.50 «Мулқдор алифбоси».
18.00 Янгилıklar [сурдо таржимаси билан].
18.25 «Парда ортида. Юксалиш».

01.00 Янгилıklar.
01.35 Хоккей. ХХЛ чемпионати. МАСК — «Лада». 3-давр.

13.40 «Дехқонларга таалуқли масала».
14.03 «Телегазета».
14.10 Теннис. Австралиянинг очик чемпионати.

20.10 «Жаноблар — ўртоқлар».
20.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм премьераси. 27-сери.

Чоршанба, 26. I

УзТВ I
7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

18.40 «Осийшталик посбонлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

[рус тилида].
19.15 «Алоқалар ва шартномалар».
19.55 Композитор Э. Қаландаров билан учрашу.

10.30 «Сайҳатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан].
11.20 «Джема».
11.50 «Матбуот-экспресс».

«Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

00.40 «Бутун бу джаз...».
01.00 Янгилıklar.
01.35 «МТВ».

14.05 «Телегазета».
14.10 «Сайрадош қўшиқлари».
14.20 Теннис. Австралиянинг очик чемпионати.

21.10 «Ностальжи» — барча авлодлар муқаддаси.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

Пайшанба, 27. I

УзТВ I
7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Эълонлар.
19.20 «Тонгинг гули ўзгача».

либ боқса.
19.55 «Тошкент оқшомлари».
19.20 «ОМАД» танштиради.

визион бадий фильм.
13.45 Л. Гурченко қўшиқлари.
14.20 Фахрийлар учун кўрсатуви.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилıklar.
21.30 «Твин Пикс». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

«Дубль IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 «730-формула».

14.30 «Дехқонларга таалуқли масала».
14.50 «Дунё авлари». Кўп сериали ҳужжатли фильм премьераси. 7-сери.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Олдузлар билан суҳбатда».

Жума, 28. I

УзТВ I
7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тилларнинг ришталар жозибаси». Телефильм.

22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
УзТВ II
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

9.00 Янгилıklar.
9.20 «Қувноқ нотачалар».
9.40 Эртак ҳузурда меҳмонда. «Кичкина деданг бизни...» бадий фильм.

15.35 «Бридинг».
15.55 «Бизнес-класс».
23.30 «Матбуот-экспресс».
24.00 «Мушук Фелликс», «Ҳарбий ақша оловчиси».

«Дубль IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 «730-формула».

11.25 «Янги чизик».
11.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 27-сери.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Олдузлар билан суҳбатда».

Шанба, 29. I

УзТВ I
7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

18.00 Болалар учун. «Мактабда Алифба байрам».
18.20 «Оламни асранг».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Кинорота IV»
6.45, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

13.20 Шимолий Осетияда хизмат кўрсатган артист Ф. Царинати куйлади.
«КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» каналли танштиради.

15.35 «Бридинг».
15.55 «Бизнес-класс».
23.30 «Матбуот-экспресс».
24.00 «Мушук Фелликс», «Ҳарбий ақша оловчиси».

«Сно-видение» тунги канали
00.10 Хонада И. Аллегрева портретига беш чизик.
00.40 «Тунги хит».

13.15—17.05 «Ўзбекистон»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
13.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».

20.10 Киномарафон. «Туртинчи ҳонимат». Бадий фильм.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

Якшанба, 30. I

УзТВ I
7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Сохрли оҳанглар».
18.30 «Санъат оламида».

17.30 «Олдузли осмон».
17.45 «Еш тижоратчининг оддий куйлари».
17.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».

6.55 «Рўҳни чинитириш».
7.35 Янгилıklar.
8.30 «Телесериалда». Мусиқия дам олиш кўрсатуви.

16.50 «Хунарли хор бўлмайдими».
16.55 Мультфильмлар премьераси: «Мушук Фелликс», «Ҳарбий ақша оловчиси».

«Дубль IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Ҳужжатли фильм.
8.50 Мультфильм.

14.25 «Кесиб ташламанг...».
14.40—18.25 «Ўзбекистон»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

18.35 «Оқ қарга».
19.10 Диснейнинг соҳрли олами. «Ора плаш». «Ўғуфи ва унинг номандаси».

Хотира Йўқ, у шунчаки Яшамасди

РУСТАМ ПОЛВОН ТОЖИЕВНИ ФАКАТ ВОҒДОДЛИКЛАР ЭМАС, БУТУН ВОДИН ХАЛҚИ МУДОМ СОҒИНЧ БИЛАН ЭСЛАЙДИ

РУСТАМЖОН бор-йўғи 39 йил умр кўрди. Аммо кўп хайрли ишлари билан эл оғзига тушиб, халқ қалбидан жой олишга улгурди. Миллий кураш бўйича Ўзбекистоннинг беш марта мутлақ чемпиони бўлиб, СССР спорт устаси даражасигага кўтарилди...

У 18-мактабга директор бўлиб келганида бу ерда ҳатто спорт майдончаси ҳам йўқ эди. Аммо тез орада у тумандаги энг олди билан масканларидан бирига айланди.

Ажойиб халқимиз бор— бағри кенг, тўғри кўнгил. Эл дарди учун куйиб-пишиб яшайдиганларнинг қадрига етади. Воғдодликлар 1990 йили Ўзбекистон халқ депутатлари сайловни олди-дан Рустамжоннинг номини кўрсатишди. У бошқа айрим номзодлар сингари сайловда ичир-ишларидан курак вадалар бермасди, балки депутат этиб сайланса, қўлидан келганича хизмат қи-



лажанини айтди, холос. Шунданми, у сайловларда беш номзод орасида ютиб чиқиб, Ўзбекистон халқ депутати бўлди...

Афсуски, депутатлик фаолиятига бир йил ҳам тўлмади, бевақф ўлим уни орамиздан олиб кетди.

Рустамжон акамнинг шунчаки яшамасдиликларини вафотларидан кейин яна бир карра ҳис қилдим, — дейди турмуш ўртоғи Маҳбубахон. — Туманимиз халқига раҳмат, ҳар йили у кишининг хотира совринлари учун миллий кураш мусобақалари ўтказилмоқда. Ҳамкасблари эса 18-мактабни Рустамжон Тожиев номи билан аташга қарор қилди...

Эътироф этиш керакки, Рустамжон ҳаёт бўлганида ҳозиргача халқ манфаати йўлида анчагина ишлар қилишга улгурарди.

Тожиев қисқа умри давомида шундоқ ҳам талайгина хайрли ишларни қилишга улгурди. Воғдодлик шоир Ҳамид Жалилнинг Рустам полвон хотирасига бағишлаб битта қўйидаги мисралари ҳам шундан далолат беради:

Дарахнинг улкан экан,
Йилданга билинди,
Бошига эл дод солиб,
Йилданга билинди.

Сарбондан ажраган саргардон полвон мисол,
Шогирдларинг сел каби ёғилганда билинди...

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ.
Муаллиф олган сурат.

Спорт ФУТБОЛ КАТТА СОВРИНЛАРГА ЛОЙИҚ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ аввалги сонларида Ўзбекистон футбол федерацияси иккинчи бўлимида ахборот берган эдик. Ушбу йилнинг ўтган мавсумида республика футболининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ташкилот ва спортчиларга мукофотлар ҳам топширилди. Бундай аниқлаш тақдир-лаш домм барча футболсеварлар диққат-марказига турган. Шунинг билан олим, мукофотланганларни газетада қайд этиб ўтганимиз лозим топдик.

Республика футболни ривожлантириш жамғармасининг «Энг яхши футбол федерацияси» учун соврини ва биринчи даражали дипломи Фаргона вилояти футбол федерациясига берилди. Соврини республика Бош вазирини, УЎФ президенти Абдулхўшим Муталов топширди. Ушбу вилоятнинг «Нефтчи» жамоаси икки карра Ўзбекистон чемпиолигига қўлга киритган бўлса, Қўнунинг «Темирйўлчи» жамоаси икки йилда муваффақиятли тўп сурапти. Бундан ташқари, вилоятнинг «Атласчи» (Маргилон) клуби биринчи лигада энг юқори погонани эгаллаб, чемпионатнинг кичик «олтин» медалига сазовор бўлди. Вилоятнинг яна бир жамоаси — «Воғдод» бу лигада фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Республика футболни ривожлантириш жамғармасининг «Энг яхши ўйинчи» соврини ва биринчи даражали дипломи Наманган «Марказий» стадион маъмуриятига топширилди. Бу ўйинчи Ўзбекистон чемпиолида энг кўп мулкисини ўзига жалб қила олди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг «Энг ибратли ҳомий» соврини Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 3-марказий кон ташкилотининг касаб уюшмасига, «Энг яхши мурабий» соврини «Нефтчи» жамоаси бош тренери Юрий Саркисянга, «Энг яхши ўйинчи» соврини Миржалол Қосимовга топширилди.

УЎФ билан «Ўзбекистон футбол» ҳафтанома ҳамкорлида ўтказган «Футбол лаҳзалари» кўрик-танловининг биринчи даражали дипломи ва 100 минг сўм мукофоти «Туркистон» газетаси сураткаши Алимурод Мама-

даминонга берилди. Бу жонқулар сураткашининг бир қанча такороланмас, ажойиб суратлари бизнинг газетамиз саҳифаларида ҳам берилган эди.

Шунингдек, ушбу анжуманда бир қанча оммавий ахборот воситаларининг совринлари ҳам ўтган мавсумда яхши натижаларга эришган футболчи, мурабий ва жамоаларга топширилди. Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот агентлиги «Энг яхши дарвозабон» учун таъсис этган ўз совринини Павел Вугалога («Пахтакор»), «Туркистон» газетаси «Энг умидли ўйинчи» совринини Аваз Ҳошимовга («Политотдел»), «Ишонч» газетаси «Энг адолатли ҳакам» совринини Бобур Ҳайдаровга (Тошкент), «Тошкент ҳақиқати» «Энг сеvimли жамоа» совринини «Навбахор»га, «Тошкент оқшони» газетаси «Энг яхши тиббиёт хизмати учун» совринини терма жамоалар бош врач, профессор Саид Маҳсумовга, «Ўзбекистон футбол» ва «Правда Востока» газеталари «Йилнинг энг яхши ўйинчиси» совринларини Миржалол Қосимовга («Пахтакор») тақдим этишди.

Катта футболда энг сермаҳсул тўпурақ учун алоҳида соврин таъсис этилади. Европа футболчилари ҳар йили «Олтин бутси» учун қизғин баҳсга киришадилар. Визда гарчи тўпурақлар учун «Олтин бутси» таъсис этилмаган бўлса-да, ҳарқалай «Ўзбекистон овози» газетаси тайёрлаган энг катта чинни кўзага ўтган йилги мавсумнинг сермаҳсул тўпурақи Рустам Дўрмонов («Нефтчи») сазовор бўлди. Совринни газетанинг бош муҳаррири Азим Суяюн топширди.

ТОШКЕНТНИНГ «Трактор» жамоаси Малайзияда бўлиб қайти. Футболчиларимиз Негрибелан штатининг Серенбан шаҳар футбол командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Мамлакат кубоги финалчиси билан бўлган бу учрашувда ҳамюртларимиз дуранга (1:1) еришди. Тўғни тракторчилардан Павел Ханнинг дарвозага йўлади. Шунингдек, Павелга «Энг яхши ўйинчи» соврини ҳам топширилди.

МЕХР МИЛЛАТ ТАНЛАМАС

Бухоро шаҳридаги кўзи очкичлар мактаб-интернатига америкалик бир гуруҳ сайёҳлар ташриф буюришди. Улар мактабнинг ўқув жараёни ҳамда шароити билан танишдилар. Мактаб маъмурияти ва ўқувчилар меҳмонларни жуда ҳам илқ қутиб олишди. Хоржий дўстларимиз меҳмонлар билан биргаллик ўзбекча куйларга рақсга тушдилар.

МАННОН ОТАВОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

UZBEKISTAN airways

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР, ТУРИСТЛАР!

“Ўзбекистон ҳаво йуллари” миллий авиакомпанияси сизларни

ТОШКЕНТ - СЕУЛ - ТОШКЕНТ

маршрути бўйича ИЛ-62М самолётида амалга ошириладиган чартер рейси дастурига мувофиқ қуйидаги режимда сайрга тақлиф қилади:

Тошкентдан самолётнинг учиб вақти	20 январь, 1,11,21 февраль, 1,11,21 март (соат 02.00 - маҳаллий вақт билан)
Самолётнинг Сеулга келиши	13.30 (маҳаллий вақт билан)
Сеулдан самолётнинг учиб вақти	21 январь, 2,12,22 февраль, 2,12,22 март (соат 15.00 - маҳаллий вақт билан)
Самолётнинг Тошкентга келиш вақти	20.00 (маҳаллий вақт билан)

Авиа чипталарини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича бронлаштириш ва чипталарни соғинч комплексига қўйидаги адрес бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

Ш.Руставели кўчаси, 9.



Кимсанбек ака, жуда кўрқиб кетилман...

— Кўрқинга, кўрқинга асос йўқ. Севара Ёдинга тушаётганга ўхшайди-а? — деди у соғуқонлик билан, — Профессорга кўрсатами. Тушундингми? Ҳозир сени хурсанд қиладиган бир гап айтман: келган меҳмонларни бозорга олиб тушиб, миллий эсдалик буюмлари олиб бердим, артага Самарқандга кетяпмиз. Менда уч юз доллар бор. Енимда... Биласанми... бу бизнинг пулда қанча бўлади!

— Э, менга пул керакмас! Пул юрагимга сиғмайди.

— Битта болани эпловмаётми? Уйинга келсам юрагим сиғилди, кайфим бузилди! Шу ҳам уйим! Ахир мен давлат иши билан банд кишиман. Тушунасан-ку.

— Тушунман. Лекин ҳаммасида ҳозир болам азиз.

— Молди! — деди Кимсанбек ранги оқариб.

У бундай терс жавоб учун хотинига бир нима дедим-ю, кўнраб қараб қўйди. Ичига «тиллинг кесилсин», деган бўлиши керак. У кўп нарса ни тилига чикармаслиққа одатланган. У бармоқидоғи йўғон брильянт кўзи тилга узугини ўйнаб, бураб орқага ўгирилиб, катта хонага чиқди. У кундан буён олиб юргани чет эллик бизнисменларга миллий буюмлар олиб бериб, улардан валюта олгани, бу қовураси қайрилмаган пуллар ёнида турганини ҳис этиб, кайфи чоғ бўлди. Шундан сўнг столага ўтириб бўйнига оқ сочқ тутиб, тайёрлаб қўйилган овқатни тановул қилди.

Мирмуҳсин МАҲАК ТОШИ (ҲИКОЯ)

Матда эканида Нигорани касалхонага олиб кетдилар. Илож бўлмади, Жамлаҳон ҳам қизалоғи ёнида қолди. Унинг илтимоси билан бир қишқис таскида эски шаҳардан онасини олиб келиб, уйга қоровул этиб қўйди.

Кўп қаватли бир неча уйларида ташкил топган маҳалланинг оқсоқоли Шермухаммад ота деган кўркам чол Кимсанбекнинг на жанозага ва на ялли ошга қатнашмаслигини, гувиллаб чиқиб юрганини пайкаб юрарди. У оиласи билан ҳам иши йўқ, «давлат иши билан бандман» деб қуруқлик қилиб юрганини ҳам пайкаб, кунлардан бир кун атайин йўлини тўсди:

— Ўғлим, иш топилади, фикри оқимиз шунки, болачага ҳам қараш керак. Маҳаллага ҳам чиқиб, жамоа ишига аралашиб турсангиз яхши бўларди. Вақти келиб, кунингизга маҳалла ярайди.

— Бу тўхмат! — деди даҳшатанги гапдан хурқиб Кимсанбек. — Ешларни бе-обурў қилишга ҳақиқингиз йўқ! Сизлар ҳукмронлик қилган Совет даври ўтди!

Тўхмат эмас, ҳақиқатини айттайман, жанозадан ўзингизни тортасиз. Илгарингиз иккинчи дундан ўтганда маҳалла жонингизга аро кирди. Бўлмаса чатоқ бўларди. Сиз билан биз ўлмаймизми? Бу дунё вақтинча...

Кимсанбек кўнраб, кейин ёнида турган хизмат машинасига кириб, экинчи қарса елди. Чол кўнраб қолди.

Шаҳар касалхонаси врачларига минг раҳмат, икки ҳафталардан кейин Жамлаҳон қизалоғини кучоқлаб, тузалиб, ўз уйига қайтди. Тўғри, эри ҳам бу муқддат ичиде Самарқанду Бухорога бориб келди. Жамлаҳон кўз олдидан эрининг уйга меҳмон бўлиб келган икки ажнabiaйга айтган сўзлари, совуқ хушомаду қилдиқлари асло кетмасди. Ёкимсиз ҳаракатлари, улар олдида ўзини паста уришган жонини ҳикилдоғига олиб келган эди. Аммо на-

дасига сир бўлса ҳам, Оллоҳга маълум! Истанбулдан охиб-тошиб келгани яна маҳалла оқсоқоли Шермухаммад ота қулонига етиб, у яна Кимсанбекка рўпара бўлмоқлики кўзлади. Лекин чойхонада ўз ошнани олидида унинг тутаётган йўлини қоралди: «Азиз-авлиб айтган-ки, оламда уч йўл бор: бири фалакда Сомон йўлидир, ундан рўхлар, паршталар қатнайди, иккинчиси ердаги Буюк Инок йўлидир, ундан қарк-воилар, савдо-тижорат аҳли қатнайди. Учинчиси Дубай йўлидир, ундан қаллобу товланмачилар қатнайди. Бу йўлнинг охири — ийнйроғ ва фона... Илоҳо, ҳар бир мўъминга қоридоғи икки йўлдан насиб этсин!» дерди чол.

Қонун олдида ҳамма ба-робар!

Кимсанбек яна бир хор-риж сафаридан қайтишда Тошкент тайёрагоҳида бо-жона ходимлари томонидан ўшаниб, ичкларига олиб кирилди. У аввал силовик, тулкилик қилиб, пинағини бузмади. Кейин асабийла-шиб, ҳар хил ҳужжатлар кўрсатиб, божона ходим-ларига дўн урди. Ҳатто бу хонадаги телефонга қўл узатаётган эди, қўлини уш-лашди. Унинг талвасасига қарамай, жомадон, косто-ми ва боғина ичкларига пукта яширилган тиллолар-ни, валюталарни, дуру та-қинчоқларини олиб стол у-стига ёйиб, сувратини ола бошладилар. Унинг папкаси-дан салкам бир килограмма-ча оғир чинди. Шу кунинг-уйини тинтув қилдилар. Ундан ҳам қонун ман э-тан нарсалар топилди. Бе-чора Жамлаҳон ва онаси-нинг қалапайи учиб кетди. Э, афсус!

Шермухаммад ота бу кўнглисиз воқеадан хабар топиб, Жамлаҳоннинг аҳ-волига ачинди. Гойтада чинди.

Божхона ходимлари чи-накам Маҳак тоши бўлди-лар, улар олтинни жеъдан, ҳалолликни қаллоблиқдан ажратдилар. Кейинчалик эшикларни темир, деворлар цемент бўлган хона ичиде ўтирган Кимсанбекка сўроқ вақтида берилганда, мун-қарнақирона савдолар ичи-да мана шундай савол ҳам бўлса керак:

— Қонунбузарларнинг бошида шох бўлиб, улар ўз шохига қўнғироқ осиб юрмайдилар. Сенга ўхшаб галстук тақиб, қонундан гапириб... нопок ишлар қи-либ юрадлар. Хей, Ким-сан, сен ўзинг кимсан?!

1993 йил, декабрь.